

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

З.М.Бобур номли

Андижон давлат университети

Жисмоний маданият факультети

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

**МАВЗУ: Спорт иншоатлари ва спорт майдонларини
замонавий талаблар асосида барпо этиш**

БАЖАРДИ:

Достонов Фазлиддин

ИЛМИЙ РАЎБАР:

Х.Тўхтажоев.

Андижон 2013

**Мавзу: Спорт иншоотлари ва спорт майдонларини замонавий
талаблар асосида барпо этиш**

Режа

Кириш

1. Спорт иншоотлари таснифи ва тоифаланиши

Асосий қисм

1 Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари

2 Шаҳар ва қишлоқ жойларидаги болалар спорт иншоотлари

Хулоса

Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари

Адабиётлар

КИРИШ

Спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг ва спорт машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда моддий техникавий асос ҳисобланади. Спорт иншоотлари спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, спорт иншоотларидан фойдаланиш, спорт иншоотларининг меъёрий талаблари ўрганилади. Замонавий спорт иншоотлардан фойдаланишда талабаларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш; спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш; ҳар хил жиҳозлар, қурилмалардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш қоидалари ва усуллари, машғулотларни ўтказиш учун мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни билиш.

Ўқув режасига киритилган жисмоний тарбия тарихи, жисмоний тарбия назарияси ва услубияти, физиология, психология, фалсафа, маънавият ва маърифат асослари, танланган спорт тури назарияси ва услубиёти фанлари билан ўзвий алоқада ўқитилади.

Ўзбекистонда халқаро спорт тадбирлари (мусобақалари) мустақилликка қалар қарийб ўтказилмаган бўлса, сўнгги йилларда республикамиз энг йирик халқаро мусобақаларни юксак ташкилий даражада ўтказишга қодир бўлган мамлакат сифатида шуҳрат қозонди. Замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши диёримизда энг йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш имкониятини бермоқда.

Спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Улар махсус қурилган иншоотлар бўлиб, барча спорт турларидан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлади.

“Спорт иншоотлари” спорт педагогикаси босқичида унинг бир бўлаги ҳисобланади. Талабалар бу босқичда илм ўрганиш учун спорт гигиенаси, биомеханика, педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва усулларида маълум даражада билимларга эга бўлиши лозим. Танланган мутахассислик бўйича талабалар келажакда ўз малакасини ошириш учун, ўз навбатида, спорт иншоотларидан фойдаланиш, қурилишдаги меъёрий қоидаларни билишлари лозим.

Жисмоний тарбия мазмуни бу фаннинг асосий ўрнини аниқлаб беради ва бўлажак мутахассисга ўзи танлаган спорт туридан спорт иншоотлари ижтимоий тажрибаларини ва ривожланишини ўргатади.

“Спорт иншоотлари” дан фойдаланишнинг мақсади:

- спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимларни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш;

- спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ҳал этишга тайёр туриш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш;
- юқори меҳнат маданиятини тарбиялаш, жамоат меҳнати натижасида бунёд этилган бойликларга тўғри муносабатда бўлиш.

“Спорт иншоотлари” дан фойдаланишнинг вазифалари:

- спорт педагогикаси фаолияти учун энг мақбул шароит яратиш, уни топиш, тушунтириш;
- жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган жойдан унумли ва мақсадга мувофиқ ҳолатда фойдаланиш;
- ҳаракат фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтириш учун назарий билимлар тизимини машғулот ўтказиладиган жойга тўғри мувофиқлаштириш;
- спорт иншоотларини тўғри тушуниш;
- кишиларнинг ҳаракат фаолиятини ўтадиган жойлар шарт-шароитини яхшилаш;
- жамият меҳнати билан бунёд этилган моддий ва қимматбаҳо бойлик бўлмиш спорт иншоотларини меъморий шакл сифатида асраш;
- соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга хизмат қиладиган ижтимоий ташкилотни жисмоний тарбия тизимининг таркибий қисми деб билиш.

Спорт иншоотлари бўлажак мутахассисларга мураббий ва ўқитувчи бўлишида ижтимоий тажриба беради. Спорт иншоотларидан фойдаланишда ўқув материали мазмуни ҳар хил жиҳозлар, қурилмалардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш қоидалари ва усуллари, ҳаракат ва машқларга мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни ўргатади.

“Спорт иншоотлари” –жисмоний тарбия мутахассисларига малака ошириш, ўсиш учун керакли шарт-шароит яратади.

Спорт иншоотлари қадимги дунё ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Спорт иншоотларининг котигориялари, таснифи, спорт иншоотлари технологиялари чизмаси, лойиҳалаш ва қуришда асосий ташкилий хоналар, шаҳар ва қишлоқлардаги спорт иншоотлари тармоқларини режалаштиришни қамрайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифаси: Спортчиларни тайёрлашда спорт иншоотлари асосий восита ҳисобланиб, керакли назарий билимларни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш, спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, юқори меҳнат маданиятини тарбиялаш жамоат меҳнат натижасида бунёд этилган спорт иншоотларидан фойдаланишни билиш етакчи рол ўйнайди.

- Замонавий спорт иншоотлари бўйича керакли назарий билимни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш
- Замонавий спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш.
- Жисмоний тарбия машғулотлари ўқазиладиган жойдан унумли фойдаланиш ва мақсадга мувофиқ ҳолатда ишлатиш.

Битирув малакавий ишни тайёрлаш жараёни:

Битирув малакавий ишни тайёрлашда адабиёт ва ўқув материаллари ҳамда Интернет материалларини таҳлили ўтказилди.

Педагогик назоратда жисмоний, техник ва тактик тайёргарликлар назорат меъёрлари орқали баҳоланди.

Маънавий ва ахлоқий тайёргарлик жараёнларини ўрганишда суҳбатлар, анкеталар, тестлар ўтказилди.

Замонавий спорт иншоотларида ўқувчиларни соғломлаштириш, жисмоний ривожлантириш ва жисмоний тарбиялаш тадбирлари, жисмоний тарбия дарслари, эрталабки бадантарбия, ҳаракатли ўйинлар фойдаланиш. Бу машғулотлар ўқувчиларни жисмоний машқларга ўргатиш ҳамда ҳаётий зарур бўлган ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Ўқувчиларини жисмоний машқлар ва амалий жисмоний ҳаракатларга ўргатишнинг мақсади уларни соғломлаштириш, жисмоний ривожлантириш ва ҳаётий зарур ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантиришдир.

Замонавий спорт иншоотларида жисмоний машқлардан эрталабки бадан тарбия машғулотларида, даволовчи машқлар сифатида ҳамда жисмоний тарбия дарслари ёки спорт машғулотларида тайёрлов жараёнларида разминка машқлари сифатида шуғулланиш мумкин.

Махсус жисмоний машқларга спорт турлари бўйича бажариладиган жисмоний ҳаракатларни киритиш мумкин. Югуриш ҳаракатлари енгил атлетикачиларнинг махсус машқлари, тўп билан ҳаракатлар спорт ўйинлари машғулотларининг махсус машқлари, кураш тушишлар курашчилар махсус машқлари, уриш ва тепиш ҳаракатлари яккакураш турларининг махсус машқлари бўлади. Махсус машқлар спорт тўгарклари машғулотлари жараёнларида ҳамда жисмоний тарбия дарслари давомида ўргатилади.

Ўқувчиларни жисмоний тарбия тадбирларига жалб этишда уларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда саломатлиги тиббий назорат билан ўрганилади.

Спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимларни эгаллаш ва уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш;

- Спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ҳал этишга тайёр туриш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш.

- Соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга хизмат қиладиган ижтимоий ташкилотни жисмоний тарбия тизимининг таркибий қисми деб билиш.

Спорт иншоотлари фани бўлажак мутахассисларга мураббий ва ўқитувчи бўлишида ижтимоий тажриба беради. Ўқув материали мазмуни ҳар хил жихозлар, қурилмалардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш қоидалари ва усуллари, ҳаракат ва машқларга мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни ўргатади. Ўқувчиларнинг чиниқтирувчи асосий омиллардан бири сув муолажалари қабул қилишдир. Сув муолажалари қабул қилиш баданни ҳўл сочиқ билан артиш, оёқ, қўл ва гавдага сув қуйиш, душ қабул қилиш, сауна ва хаммомга тушиш ҳамда табиий ёки сунъий сув хавзаларида чўмилиш ва сузиш машғулотларидан иборат бўлади.

Ўқувчилар жисмоний тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш, амалий касбий тайёргарлик, уларни ўз касбини етук мутахассиси ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган кадр бўлиб етишишларини таъминлайди.

Амалий машғулотларда талабалар турли-хил спорт иншоотларини шакли ва ўлчамларини, моделларини яратиш, қурилиш ва лойҳалаштиришлар, очик ва ёпиқ спорт иншоотлари қурилишларини амалда кўриш ва назорат қилишни ўрганадилар.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ ТАСНИФИ ВА ТОИФАЛАНИШИ

Спорт иншоотларининг тоифаланиши:

Спорт иншоотларининг тоифалари жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари тасдиқланган кўрсаткичларига мос равишда белгиланади. I ва II тоифаларни республика спорт қўмиталари, қолганларини вилоят ва туман қўмиталари белгилайди.

Республикамизда ҳозирда халқаро стандарт миқёсидаги спорт иншоотлари жуда кўп қурилмоқда. Шу жумладан Андижон вилоятида 7640 та спорт заллари, 42 та сузиш ҳавзалари, 28 та стадион спорт иншоотлари мавжуд. Кўпгина спорт иншоотлари фақатгина шаҳарларда қурилибгина қолмасдан, балки туман ва вилоят марказлари ва қишлоқларда қурилмоқда. Одамларни оммавий жисмоний тарбия ва даволаш марказларига жамлаб, ёшларни ишга ва Ватан ҳимоясига тайёрламоқда.

Пойтахт Тошкентда ФИФА талабларига жавоб берувчи, энг замонавий русумдаги ва жаъми 34 минг томошабинга мўлжалланган

"Бунёдкор" спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. (1"А.Б"-расм).



1-расм.(А) “Бунёдкор” спорт мазмуаси



1-расм.(Б) “Бунёдкор” спорт мазмуаси

Расмий очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон футбол аҳлининг айтишича, янги спорт иншоотининг Ўзбекистон ва минтақада тенги йўқ:

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қурилаётган ва янгитдан таъмирланаётган йигирмага яқин стадион қаторига "Бунёдкор"нинг ҳам қўшилиши мамлакатнинг халқаро миқёсдаги футбол беллашувларига мезбонлик қилиш имкониятларини янада яхшилайд.

Ўзбекистон сўнгги йилларда жаҳон миқёсидаги футбол турнирларини ўзларида ўтказиш истагида эканини изҳор этиб келади.

Аён бўлишича, янги мажмуа 56 гектар майдонни эгаллаган 7 та замонавий стадион, болалар-ўсмирлар футбол академияси, бассейн, ресторанлар ва бошқа замонавий иншоотларни ўз ичига олган.

Очилиш маросимида шахсан иштирок этган президент Ислон Каримов эса, "Қурилиш жараёнини кузатганлар уни мўъжиза дейишяпти. Ҳар қандай даражадаги мусобақани қабул қилишга қодир ушбу улуғвор иншоотга қараб туриб, биз ким бўлгандик ва ким бўлдик, нимага эришдик, деган саволга осонгина жавоб бериш мумкин", дея чиқиш қилган.

Ўз вақтида Ўзбекистон раҳбарининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага қарашли эканлиги айтилган "Зеромакс" ширкати ҳомийси бўлган "Бунёдкор" футбол жамоасининг қисқа вақт ичида эришган ютуқлари ортидан, нафақат Ўзбекистон, балки минтақада ҳам энг каттаси бўлиши айтилаётган стадионнинг қурилиш ишлари 2008 йилда бошланганди.

Бироқ орадан икки йил ўтиб, ширкатнинг касодга учрагани эълон қилинган, қурилиш ишлари тўхтаб қолган ва шу йил Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан уни битказишга қарор қилинганди.

Дастлаб 45 минг томошабинга мўлжаллангани айtilган спорт мажмуаси Олмониянинг GMP ширкати томонидан лойиҳалаштирилган ва унинг қиймати 150 миллион АҚШ долларига баҳоланганди.

Аммо сўнггида харажатларнинг бир неча баробар қисқартирилиб, унинг қурилишига ўттиз миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланишига оид хабарлар ҳам пайдо бўлганди.

"Бунёдор" стадионининг шу йилнинг март ойида топширилиши айtilган, сўнгра унинг Ўзбекистон мустақиллиги тантаналари арафасида очилиши билдирилган, аммо расман фойдаланишга кеча 28 сентябр куни топширилган.

Ўзбекистон Футбол Федерациясининг президенти Мираброр Усмонов эса, ўтган йил якунларига оид қилган чиқишида келаси уч йил ичида янги футбол стадионларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун 250 миллион АҚШ доллари сарфланишини айтганди.

Ўзбекистоннинг ўзида иқтисодий аҳвол енгил бўлмаган бир шароитда футболга миллионлаб доллар маблағларнинг сарфланиши борасида аҳолининг фикри турлича.

Аммо бу пуллар Ўзбек футболга киритилаётган сармоя экани ва ўзини оқлашини айтаётган мухлислар ҳам оз эмас.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент, Андижон, Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган қатор спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги “Бунёткор” спорт мазмуаси, «Юнусобод», «Жар», Наманган шаҳрида “Паҳлавон”, Андижон, Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг барча шаҳар ва туманларида футбол клублари ташкил этилди, мамлакат чемпионати қатнашчилари профессионал асосга ўтказилди.

Республикада 40 тага яқин футбол командаси бор. Улар олий ва биринчи лигада ўйнайди. Футболчиларнинг ихтиёрига 235 та стадион, 5200 тадан ортиқ футбол майдони, мини-футбол ўйинлари учун кўпдан-кўп майдон-чалар бериб қўйилган.

Республикада ногиронлар спортига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпиада қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика Ногиронлар жамияти ҳамда Халқаро Қизил Хоч минтақа ваколатхонасининг қўллаб-қувватлаши билан Спорт ногиронлари уюшмаси тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республикада спортни ривожлантириш соҳасидаги асосий ишларга раҳбарлик қилади. Олимпия ҳаракати-ни ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг расмий халқаро мусобақаларда иштирок этиши соҳасидаги энг муҳим ишлар билан Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси шуғулланади. Бу қўмита 1993 йилдан бери Халқаро Олимпиада қўмитасининг аъзосидир. Спорт турлари бўйича 32 ўзбек федерацияси халқаро федерацияларга аъзо бўлиб, барча халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олган.

Спорт иншоотлари республикамизнинг энг узок бурчакларида ҳам бор. Лекин энг кўпи ва йириклари ватанимиз пойтахти Тошкентдадир. Тошкентдаги марказий "Пахтакор" стадиони 1956 йили қурилиб 55000 томошабинни сиғдиради. Унда енгил атлетика мусобақалари ўтказиш учун жой, катта майдон (футбол майдони), кичик майдон мавжуд, бокс ва қиличбозлик заллари ҳам бор. Футбол майдони чим қоплама билан қопланган.

Стадионда стандарт талабларига жавоб берадиган ҳамма ёрдамчи иншоотлар ҳам мавжуд.

"Меҳнат резервлари" спорт комплексида югуриш йўлаклари ва енгил атлетика секторлари бор, стадионга 18000 томошабин сиғади, Стадионда мусобақа ўтказиш

учун синтетик қопламали жойлар мавжуд. Волейбол ва баскетбол мусобақалари ўтказилади. Комплексида намоиш заллари, бокс, эркин ва классик кураш учун ҳам заллар мавжуд. Оғир атлетика учун 2 та зал бор.

Иккита сузиш ҳавзаси бўлиб, унда биттаси ёпиқ 25 метрли йўлакчали, иккинчиси 50 метрли очикда жойлашган бўлиб, сув иситиш бўладиган ихтиёрий катталиқдаги ўқ отиш жойи бўлиб, замонавий тиббий тикланиш маркази мавжуд. Комплексида юз ўринли меҳмонхона ҳам бор.

Яна бир асосий спорт комплексларидан бири "Юнусобод" теннис корти бўлиб, у территория жиҳатидан ўртача комплекс ҳисобланади. У ўқув – шуғулланиш, спорт томошалари ва аҳолига ҳар хил маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан иборатдир. Унинг умумий майдони

3 гектарга тенг. Спорт комплекси ўз-ўзини мустақил қоплаш ҳисобидаги бирлашма бўлиб, у 1994 йил 28 майда фойдаланишга топширилган. Иншоотда очик ва ёпиқ спорт объектлари бўлиб, бинодан ташқарида жойлашган 8 та очик, бинода жойлашган 2 та ёпиқ кортдан иборат. Комплексида гимнастика атлетикасига ва шейпингга мўлжалланган заллар мавжуд.

Спорт комплекс режасига киритилган 120 ўринли ошхона, магазин, гўзаллик салони бўлиб, бунда 50 хилга яқин маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Комплексида "Сауна", уқалаш, сув муолажалари, стоматология, овоз ёзиш хоналари ва автомашиналар турар жойлари бор.



2-расм. Юнус-Обод спорт мажмуаси

Марказий бинода шаҳар меҳмонлари учун меҳмонхона ишлаб турибди. Комплекснинг диққатга сазовор томони бу теннис кортларидир. Унда 4 та халқаро стандартга жавоб берадиган корт бўлиб, 40 x 20 метр ўлчамга эгадир. Қолган 4 таси шуғулланиш учун мўлжалланган. Марказий корт 3000 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Бино ичидаги кортлар 132 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Комплекста барча ёрдамчи спорт иншоотлари мавжуд (2-расм).



3-расм. Юнус-Обод спорт мажмуаси ички томондан кўриниши

Спорт иншоотлари таснифи:

Дунё спорт қурилиши амалиётида спорт иншоотларининг ягона таснифи йўқ. Бир қатор мамлакатларда спорт иншоотларини таснифини тоифаларга бўлишнинг ўз услублари ишлаб чиқилган.

1996 йил 26 мартда спорт иншоотларини аниқ белгилаш учун қисқача тавсифномали таснифи киритилиб тасдиқланди. Бу ягона таснифлаш ёрдамида спорт иншоотларини табақалаш, ҳисоботи ва паспортизацияси бажарилади. Бу синфлаш асосида спорт қурилмалари қуйидагиларга бўлинади:

- 1) меъморий-режалаштирилган ва ҳажмли-конструктив тузилишли;
- 2) ҳажмли-режалаштирилган тузилишли;
- 3) кенглиги ҳисобга олинган ҳолда қурилган;
- 4) ишлатилиш ҳолатига қараб қурилган;
- 5) шаҳар типи режасига қараб қурилган;
- 6) фойдаланиш ҳолати ва ўзига хослиги.

Меъморий-режалаштирилган қиёфали спорт иншоотлари:

- а) ҳажмли (кенглиги);
- б) текисликдаги иншоотларга бўлинади.

Ҳажмиларига ҳамма ёпиқ спорт иншоотлари: спорт заллари, спорт саройлари, ёпиқ сув ҳавзалари ва манежлар киради.

Текисликдагиларга спорт майдонлари ва майлончалар, енгил атлетика ва конки отиш йўлчалари, чанги ва тоғ чангиси трассалари, кросс узунлиги киради.

Ҳажмли-режалаштирилган қиёфали спорт иншоотларига:

- а) ёпиқ;
- б) очик спорт иншоотлари киради.

Ёпиқ иншоотлар - бу ўқув машқланиш жараёни ва мусобақалари ўтказиладиган ёпиқ заллар, манежлар, бассейнлар, спорт саройларидир.

Очик спорт иншоотларига юқоридаги айтилган жараёнлар очик ҳавода, бинодан ташқарида ўтказиладиган иншоотлар киради.

Кенглиги ҳисобга олинган ҳолда қурилган иншоотлар:

- а) алоҳида иншоотлар;
- б) комплекс иншоотлар.

Алоҳида иншоотлар спортнинг бир тури учун мўлжалланган иншоотлардир (махсуслаштирилган заллар, битта ҳовузли сув ҳавзаси, майдон ва майдончалар, енгил атлетика ва конкида югуриш йўлчалари, велотреklar).

Комплекс спорт иншоотлари бир ҳудудда ёки бир бинода жойлашган бир неча алоҳида ва ҳар хил спорт турларига мўлжалланган спорт иншоотларидир (стадионлар, спорт саройлари, бир неча ҳовузли сув ҳавзалари, комплекс майдонлар, кўп залли спорт корпуслари ва бошқалар).

Шаҳар типи режасига мувофиқ қурилган иншоотлар аҳоли яшаш таркибига қараб режалаштирилади:

- 1) микротуман (кичик туман аҳолисини яшаш уйлари ва алоҳида уйлари) аҳолисига хизмат кўрсатувчи;
- 2) туман (яшайдиган аҳолисига ёки туман ишлаб чиқариш корхоналари) аҳолисига хизмат қилувчи;
- 3) туманлараро хизмат қилувчи;
- 4) умумшаҳар (шаҳарни ёки посёлкани ҳамма аҳолисини) ҳудудига хизмат қилувчи спорт иншоотлари.

Фойдаланиш ҳолати ва махсус белгиланишига кўра қурилган спорт иншоотлари қуйидагилар:

а) ўқув-спорт, яъни фақат ўқув-машғулоти жараёни учун мўлжалланган;

б) намоёниш этиш учун, яъни мусобақаларни томошабин иштирокида ўтказишга мўлжалланган;

в) аҳолининг фаол дам олиши учун мўлжалланган (буларга сайлгоҳлар, тоғлардаги дам олиш базалари кириб, уларда аҳоли билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари олиб борилади);

г) махсуслаштирилган спорт иншоотлари (булар даволаш-соғломлаштириш ва болалар билан спорт машғулоти ўтказиш учун мўлжалланган иншоотлардир).

Ҳар бир спорт иншооти таркиби 3 бўлинмадан тузилган. Муҳим қисми асосий иншоот бўлиб, бу - жисмоний тарбия ва спорт амалий машғулоти учун мўлжалланган иншоотдир. Масалан, баскетбол учун ўйин майдони, хоккей учун музли текислик, сузиш учун сув ҳавзаси, спорт ядроси ва бошқалар.

Қолган иккита бўлим - ёрдамчи ва томошабин учун иншоотлардир. Агар спорт иншооти фақат ўқув машғулоти учун мўлжалланган бўлса, у ерда томошабин учун махсус жиҳозлар бўлмаслиги керак.

Ёрдамчи спорт иншооти - шуғулланувчи ва мусобақа қатнашчиларига хизмат қилади. Бу иншоотларга гардероб, ечиниш-кийиниш хонаси, душ, уқалаш хонаси, услубчилар хонаси, мураббийлар хонаси, тиббиёт ходимлари хонаси, ҳакамлар хонаси, спортчилар учун ювиниш хоналари ва бошқалар қиради.

Ёрдамчи иншоотлар таркибига яна асосий спорт иншоотининг ишлатилишини таъминловчи хоналар: маъмурий, хўжалик (жиҳозлар сақланадиган ҳужраҳона) ва техник муҳандис хизматчи хоналари, сув иситиш ва электр таъминоти, ахборот ва ҳисоботга олиш, радио ва телевидение, телефон алоқалари, сувни тозалаш-дезинфекция, музлатиш ва бошқалар.

Томошабин учун иншоот - бунга трибуналар (ўрнатилган ёки қўзғатилиши мумкин бўлган), скамейкалар, стуллар, асосий иншоот олдида туриш учун жойлар (спорт ядроси, бассейн, майдон) ва хизмат кўрсатиш хоналари (павильонлар, фойе, буфетлар, қаҳвахона, тиббий хизмат хонаси ва бошқалар) қиради.

Бир типли спорт иншоотлари ўзининг катталиги билан табақаларга бўлинади. Спорт иншоотларининг олтита табақаси белгиланиб, улар қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

1) трибунадаги жойларнинг сони ва очиқ спорт майдонларининг сони (стадионлар);

2) ҳовузларнинг кенглиги ва сони;

3) трибуналардаги ўтириш жойларининг сони, сунъий равишда музлатилган муз жойларининг сони (спорт саройлари);

4) очик ва ёпиқ турдаги спорт иншоотлар сони ва спортчилар учун яшаш хонасининг сони (ўқув-спорт базалари);

5) чангилар сони (чанги базаларида);

6) масофали механизация билан таъминланган жиҳозланган тирларнинг мавжудлиги (ўқ отиш жойи);

7) айлана шаклидаги ошиш учун деворлар ва зовурлар (траншеялар) сони (ўқ отиш-овчилик деворлари);

8) катта кемалар сони (эшкак эшиш базалари, яхтклублар ва сув-мотор базалари);

9) алоҳида иншоотлар сони (комплекс майдонларда);

10) трамплин катталиги, ҳисобланган сакраш узунлиги (чанги трамплинларида);

11) алоҳида спорт залларининг таркибий сони.




4-

расм. Рио-

де-Жанейро. Маракана стадиони

Тоифаларга (категорияга) кирмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Булар каторига Жанубий Америкадаги энг йирик футбол стадионлардан бири - Маракана стадиони, 1950 йилда қурилган. Архитекторлар П.П.Б.Бастус, А.А.Диас Кэрнойру ва бошқалар томонидан лойиҳалаштирилган (4-расм). Москвадаги йирик спорт комплекси Марказий стадион, Олмаота яқинидаги юқори тоғ чўққисида жойлашган музлик Мадео стадиони, Москвадаги сув спорти Саройи, Киев, Санкт-Петербург, Минск ва бошқа шаҳарлардаги Спорт саройлари киради. Ўзбекистонда Тошкентдаги Пахтакор стадиони шулар жумласидан (5-расм).



5-расм. Тошкент шаҳридаги "Пактакор" стадиони макети

СПОРТ ИНШООТЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ

Спорт майдонларининг ориентацияси ва конструкцияси ҳамда ўлчамлари:

Ўйин майдонлари кенглигини аниқлашда уларнинг ўйин ва қурилиш майдони ўлчамларини билиш зарур. Ўйин майдони ўлчами ўйин қоидалари асосида белгиланади. Қурилиш ўлчамлари эса хавфсизлик зоналари ҳисобига кўра ўйин майдонига нисбатан каттароқ бўлади. 1-жадвалда ўйин майдонларининг асосий ва қурилиши мумкин бўлган ўлчамлари берилган.


Ўйин майдонлари алоҳида ёки бирлашган ҳолда жойлашиши мумкин. Масалан, бир текисликда битта ёки ҳар хил спорт турлари учун бирлашган майдонлар бўлиши мумкин.

1-жадвал

**Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши
мумкин бўлган ўлчамлари**

Спорт тури бўйича ўйин майдонлари	Ўйин майдонларининг ўлчамлари (м)				Осонлаштирилган қоида бўйича ўйин майдони ўлчами	
	ўйин		қурилиш			
	узунли ги	эни	узунлиги	эни	узунлиги	эни
Баскетбол	28	15			26	14
Волейбол	18	9	24	15	15	7,5
Қўл тўпи	40	20	44	23	36	18
Бадмингтон	13,4	6,1	15	8	12	5
Теннис			40	20	36	18
Футбол	90	60	98	64	60	40
а) қоида бўйича	110	75	118	79	75	50
б) спорт лойиҳаси типи бўйича	104	69				

Спорт майдонлар қурилишида шуни кўзда тутиш керакки, ўйин вақтида қуёш ён томондан тушиши лозим (унинг ўрта чизиғи бўйлаб).



6-расм. Спорт майдонларининг ориентацияси

Шунга мувофиқ, асосан кечки пайт фойдаланиладиган майдонлар қурилишида меридиан чизиғи эътиборга олиниб, яъни уларнинг бўй ўқи шимолдан жанубга томон тортилган бўлиб, мумкин бўлган оғиши 15° бўлади. Агар спорт ўйинлари бир тури учун бир неча майдон жойлаштирилмш зарур бўлса, унда ҳеч бўлмаганда, уларнинг учтасидан биттаси экватор чизиғи эътиборга олинган ҳолда қурилади.

Юқори қаватли уйлар бўлган туманларда майдонларни уйларнинг шарқ томонига ва экватор чизиғи кўзда тутилиб қурилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу мақсадда қурилган иншоотларда қуёш кеч пайтда ва кундузи ўтадиган ўйинларда ҳам ҳалақит қилмайди. (6-расм).

Волейбол ва теннис майдонлари қурилишида ўрта чизикдан юза чизиғи томонга нишаб қилинади. Баскетбол ва кўл тўпи учун майдонларни режалаштиришда ўрта бўйлама ўқидан ён чизиғи томон икки нишабли қилинади. Аммо спорт майдонларини жойлаштириш билан боғлиқ ҳолда ерни рельефига қараб вертикал режалаштиришни ўзгартирилиши мумкин (2-жадвал).

Спорт майдонлари қоплама конструкциясига қараб сиртининг нишаб катталиклари

2-жадвал

<i>Спорт турлари бўйича майдончалар</i>	<i>Қоплама турлари</i>	<i>Максимал нишаблик</i>	
		<i>узунаси</i>	<i>кўндаланг</i>

Бадмингтон волейбол	Сув ўтказувчан	0,005 -	- 0,004
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Баскетбол	Сув ўтказувчан	0,005	-
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Қўл тўпи	Майсазор	0,006 -	- 0,008
	Сув ўтказувчан	0,005 -	- 0,006
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Теннис	Майсазор	0,004 -	- 0,008
	Сув ўтказувчан	0,002 -	- 0,006
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Стол тенниси	Сув ўтказувчан	0,010 -	- 0,010
	Сув ўтказмайдиган Асфальт	0,000 0,000	0,000 0,000
	Тахта қопламали	0,000	0,000

Майдонларнинг қопламаларининг конструкцияси қуйидагича бўлади:

- 1) текис, зич ва эластик бўлиши шарт, чунки коптокнинг сакраши таъминланиши, сувни яхши шимадиган ва намликни ичида сақлайдиган бўлиши керак;
- 2) об-ҳаво таъсирига чидамли бўлиши керак;
- 3) иқтисодий томондан ижобий бўлиши керак.

Махсус қопламали майдонлар конструкцияси гидрогеологик ва об-ҳаво шароитлари билан узвий боғлиқ. Сувни ёмон ўтказадиган тупроқли ва соз тупроқли ерлар нобоб қопламаларга киради. Бу турдаги қопламаларнинг устидан шағал ётқизилади.

Сувни яхши ўтказадиган қопламалар қум устидан ётқизилади ва майдончаларнинг конструкциясини соддалаштириш мақсадида пастки қатламларнинг қалинлиги камайтирилади ёки бир қатламли қилинади. Майдончаларда сув тўпланиб қолмаслиги учун сатҳини нишабли ва майдон атрофи бўйича ариқчалар қовланган бўлади.

Сувни яхши ўтказадиган қопламалар сунъий ёки табиий қопламалардан тайёрланади. Махсус қопламалар қоришма таркиби (3-жадвал)да кўрсатилган.

3-жадвал

СУВ ШИМУВЧАН МАХСУС ҚОПЛАМА
АРАЛАШМАЛАРНИНГ ТАРКИБИ

Хом ашёлар	Аралашма гуруҳи						
	1	2	3	4	5	6	7
1. Янчилган ғишт ва сопол аралашма	90-85	65-70	60	70	40	-	-
2. Ўртача майдаликдаги кум	-	5-10	5	-	-	40-50	10-15
3. Курилиш чиқиндилари	-	-	-	-	-	-	50-60
4. Кукунсимон лой тупроқ	10-15	-	5	10	-	10-15	-
5. Соғ тупроқ	-	20-25	-	-	-	-	-
6. Ёғли-ўсимлик тупроғи	-	-	-	-	-	40-45	20-30
7. Оҳактош	-	5-10	-	-	-	-	-
8. Янчилган оҳактош	-	-	20	60	-	-	-

Асфальтли, асфальт-резинали ва битум қопламларнинг тузилиши. Асфальтли қопламлар юқори малакали спортчиларнинг машғулотлари мунтазам равишда ўтказилмайдиган спорт майдонларида муваффақиятли ишлатилади.

Асфальт-резинали ва резино-битумли қопламларнинг таранглик қобиляти уларни машғулот ва мусобақа ўтказиш майдонларида ишлатишга имкон беради. Бу қопламлар техник хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этувчи иссиқлик усули билан тайёрланади.

Асфальт ва резино-битум қоришмаси асфальт заводларида тайёрланади. Совуқ қоришмани ётқизиб, шиббалаш қийин, шу муносабат билан ётқизиладиган асфальт аралашма ҳарорати 120° дан кам бўлмаслиги, резино-битум ва асфальт-резина аралашма ҳарорати эса 140⁰ дан кам бўлмаслиги керак.

Қопламларни шиббалаш тахминан уч тоннача келадиган махсус ғилдирак билан бажарилади. Битум паста асосли арашмали қопламлар ўзининг таркиби жиҳатидан резино-битум аралашмага яқин, лекин улар совуқ усул билан тайёрланади, шунинг учун ўз кучи билан қуриладиган (мустақил) қурилишларда ишлатилади. Битум паста асосли қоришмани махсус тупроқли аралашма сингари ётқизилади.

4-жадвал

Сув шиммайдиган қопламлар учун аралашмаларнинг тахминий таркиби

<i>Қоплама хиллари</i>	<i>Хом ашёлар</i>	<i>Спорт турларидан майдонлар учун қоплама (озир, %) таркиби</i>		
		<i>Волейбол, бадминтон</i>	<i>Баскетбол, қўл тўпи</i>	<i>Теннис</i>
Асфальтли	0,6 мм ли элакдан ўтказилган 65% дан кам бўлмаган ўртача донали кум қолдиғи БН-II ёки БН-III маркали битум	100	100	100
		8	7	6
Асфальт-резинали	Ўртача донали кум БН-II ёки БН-III маркали битум 0,6 мм ли элакдан ўтказилган 10% дан кам бўлмаган майдаланган оҳактош қолдиғи 1-3 мм ли фракцияли майдаланган резина	66	70	76
		15	13	11
		22	20	18
		12	10	6
Битум-паста асосли	Оҳактош-битумли паста (8 см ли конус қолдиғи) Битум -50-55% Оҳак-8-12% Сув-33,42% Ўртача донали кум Майдаланган ғишт ёки оҳактош 1-3 мм ли фракцияли резина майдаси Тупроқ бўёғи	80	26	22
		66	70	76
		10	8	6
		12	10	6
		12	12	12

1. СПОРТ ИНШООТЛАРИНИНГ ШАКЛИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ.

Спорт иншоотлари – бу махсус қурилган ва ўз фаолиятида кўпқиррали маданий ва спорт тадбир ва анжуманлари ўтказиладиган маскандир. Замонавий тасаввурда спорт иншоотлари деганда ўқув машғулотлар, турли қишки ва ёзги спорт турлари бўйича мусобақалар учун мўлжалланган ҳар хил иншоотлар комплекси тушунилади.

Комплекснинг асосий иншооти стадиондир, яъни томишабинлар учун мўлжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Томишабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусобақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характериға кўра стадионларнинг турлари белгиланади.

Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма-босқич шаклланиши жараёнида антик тузилишиға нисбатан таркиби ва ўлчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашди. Бундай стадионлар стандарт ўлчамли радиуси 36 м бўлган ва 400 м масофаға югуриш йўлкаси билан ўралган футбол майдонидан (104x69 метр) ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган секторлардан ташкил топган.

Стадионда томишабинлар сифимиға кўра трибуналар спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипссимон ёки бошқа ёпик ҳалқасимон формада бўлиши мумкин.

Ўлчамларига кўра стадионлар қуйидаги категорияларға бўлиниши умкин:

- трибунаси 1500-3000 ўриндиқли кичик стадионлар;
- трибунаси 2000-10000 ўриндиқли, майдони камида 5-6 гектар бўлган ўртача катталиқдаги стадионлар;
- трибунаси 10000-50000 ўриндиқли, майдони камида 10-15 гектар бўлган катта стадионлар;
- трибунаси 50000 дан кўп ўриндиқли, майдони камида 20-25 гектар бўлган Олимпик типдаги стадионлар.

Тахминий спорт иншоотлари тизими, тавсия этиладиган кичик, ўрта ва катта стадионлар лойиҳалаш меъёрларида келтирилган.

Спорт иншооти очик ёки ёпик типдаги ўқув-машқланиш жараёни ва ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишға мўлжалланиб қурилган ҳамда жиҳозланган махсус иншоотдир.

Спорт иншоотларнинг тасниф этишда ягона терминологиядан фойдаланилади:

1. очик ҳолдаги алоҳида спорт иншоотлар;
2. очик комплекс спорт иншоотлари;

3. ёпиқ ҳолдаги алоҳида спорт иншоотлари;

4. ёпиқ комплекс спорт иншоотлари.

Очиқ ҳолдаги алоҳида спорт иншоотларига волейбол, баскетбол, кўл тўпи ва футбол ўйин майдонларини мисол келтириш мумкин (ёпиқ ҳолда бўлиши ҳам мумкин).

Куйида текис майдонда умумий майдони 9 га, трибунаси 15000 ўриндиқли стадионнинг тахминий баланси келтирилган.

Стадионнинг умумий майдони	100%
Очиқ спорт иншоотлари, майдончалар ва майдон	34%
Катта ўлчамли спорт иншоотлари	12 %
Хизмат кўрсатиш иншоотлари	1 %
Ички йўлакчалар ва тарқатувчи майдончалар	14 %
Кўкаламзорлаштириш	39 %

Майдон танлашда бош режанинг умумий композицияси стадионнинг умумий комплексига таъсир этади.

Стадионлар трибуналари

Трибуналар, кўп ҳолларда, спорт ареналари бош режаларида икки ён тарафдан овал кўринишли ёки овал кўринишида қурилади. Бунда футбол майдони 69х104 м, айланма югуриш йўлкаси узунлиги 400 м, футбол майдони ва чопиш йўлкаси орасида эса икки енгил атлетика сектори жойлашган бўлади. Катта стадионлардаги спорт ареналарида енгил атлетика мағулотлари учун қўшимча югуриш йўлкасининг ташқи чегаралари бўйлаб қўшимча майдончалар ташкил этилади.

Трибуналарнинг сифими стадионнинг қайси турга мўлжалланганлигига қараб, 2,5 дан 100 минггача ўриндиқ ва туриш ўринларига эга бўлади.


Спортчилар ва томошабинлар учун куйидаги трибуна остида ёки алоҳида бинода хоналар ажратилади; спортчилар учун – вестибюль – грелка гардироби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет хоналари, массаж, тиббиёт хонаси, ҳакамлар инструкторлар учун хоналар, дам олиш хонаси, буфетлар, спорт анжомларини сақлаш хоналари ва бошқалар;

Ўтирганда ва турганда тўсиқ кўринишни таъминлаш усуллари (қирқим ва режада), трибуналарнинг тўлиши ва бўшашида (томошабин-одамларни эвакуация йўллари) уларнинг турли конструкциялардан ва материаллардан фойдаланилганлиги турли типдаги трибуналарни шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Табиийки, трибуналарнинг қирқим характери стадионнинг умумий архитектуравий-фазовий композициясига катта таъсир кўрсатади.


Замонавий стадионларда бир қаватли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда (7-расм).

Икки қаватли қурилмалардан фойдаланиш томошабинлар қаторларининг спорт аренасига яқинлашиши билан бирга, иккинчи қават биринчи қаватнинг ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади ҳамда икки томонлама ёритилганликни ва шамоллатишни, шунингдек, иккинчи қават остида бир қатор қўшимча хоналарни лойиҳалаш имконини яратади. Бунда трибуналар остидаги хоналар нормал ўлчамларга эга бўлиб, хоналардаги одамлар эвакуациясини қулайлаштирилади, бир қаватли трибуналар остидаги хоналарнинг нишаб шибларини тўғирлаш учун кетадиган материаллар иқтисод қилинади.

Спорт ареналаридаги минбарларнинг турлари




30 метрдан иборат соябонли икки ярусли




(Рио-де жанеродаги стадион)

7-расм. Бир ва икки ярусли трибуналарнинг кўриниши



Минбар осги ишлатилмайдиган
кенгликлари аралаш конструкцияли
уч ярусли минбар (Неаполдаги стадион)



Бостирмали икки ярусли металл
трибуна (Роттердамдаги
стадион)

8-расм. Икки (метал) ва уч ярусли трибуналарнинг кўриниши

Икки қаватли трибуналар арена тарафидан қаралганда, канатлар орасидаги қуюқ соялик туфайли бой пластик кўринишга эга бўлади. Спорт аренасининг ғарбий томонида жойлашган тўғри бир томонли трибуна оптимал кўриниш шароитида режада турли шаклда бўлиши мумкии. У асосан 18-20 минг ўринли стадионларда кенг қўлланилмоқда. Кўп сонли томошабинларни жойлаштириш мақсадида тўғри трапеция ёки эгри чизиқли шаклдаги трибуналар қўлланилмоқда. Бундай трибуналар 35-40 минг ва ундан кўп ўрин сиғимига эга.

Кўп ҳолларда уч томонли тўғрибурчакли, тақасимон ёки эгри чизиқли (овал шаклига яқинлашувчи) спорт аренасининг ён томонидан бўлинган трибуналар кенг тарқалмоқда.

Дюссельдорф (Германия), Ванкувер (Канада), Пасандене (Роуз-Боуль, Калифорния) шаҳарларидаги стадионлар бунга мисол бўла олади.

Уч томонли трибуналарнинг яна бир турида спорт аренасининг ғарбий томонида кўп сонли томошабинлар жойлаштирилган бўлиб, асосан куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтадиган мусобақалар вақтида спорт аренаси кўринишига ижобий таъсир этади.

Бундай турдаги трибуналарга Измайловкадаги (Москва), Мессиндаги ҳамда Минск ва бошқа шаҳарлардаги стадионлар мисол бўла олади.

Замонавий 100 минг ва ундан кўп ўринли стадионларда икки-уч қаватли, ёпик кўринишли трибуналар қўлланилмоқда. Бундай турдаги трибуналарнинг режадаги шакллари турлича: тўғри, ён томонлари каварик, овал, доиравий ва бошқалар.

Оптимал кўриниш диаграммасида катта ўлчамли трибуналардаги футбол майдонидан энг узоқ нуқтада (190 метр) турган томошабинлар чиқиб кетишларининг максимал қулайлиги кўрсатилган. Аммо замонавий Олимпия стадионларида чиқиш узоқлиги 240-250 метрга етиб аренани томоша қилишни фақат қуролланган кўз билан амалга ошириш мумкин. Бундай ўлчамларга режада турлича шаклга эга бўлган трибуналарни киритиш мумкин.

Мехико стадиони каби доира кўринишидаги трибуналарнинг сиғими 40-50 минг бўлиб, қўшимча тик туриб томоша қилиш учун катта миқдорда жой ажратилган.

Эллипс ва С кўринишли заминдаги трибуналар янги трибуналар бўлиб, Ганноверда лойиҳаланган заминдаги стадионда замонавий ечими акс этди. Бунда эллипс кўринишли стадион қисми ер сиртидан чуқурда жойлаштирилди, ўроқсимон қисми эса (тупрок) тўқма тепалик кўринишга эга бўлиб, трибунанинг бу қисми спорт аренасининг ғарбида жойлашган. Эллипссимон трибуна 25 минг ўринга мўлжалланган бўлса, ўроқсимон қисми эса 50 минг томошабиннинг тик туриши учун мўлжалланган.

Будапештдаги спорт аренаси бўйлама жойлашган стадион трибунаси тақасимон кўринишга эга. Трибунанинг конструкцияси қоришиқ – темир-бетон ва тупрокдан ташкил топган. Бундай шакл оммавий спорт ҳаракатлари кечаётган майдон атрофига кўп сонли томошабинларни (100 минг) жойлаштириш эҳтиёжидан келиб чиққан. Трибунанинг ташқи ўлчамлари кўриш чегарасидан (190 м) ташқарига чиқиб кетган, 240 метр ва ундан кўп масофани қуролланган кўз билангина томоша қилиш имкони мавжуд.

Трибуналарни режада лойиҳалаштириш бевосита қирқим қурилишига боғланган бўлиб, улар биргаликда трибунанинг конструктив тузилишини ва архитектуравий композициясини аниқлайди.

Қуйида трибуна қирқимлари учун характерли схемалари кўриб чиқилади: бир қаватли, заминда, темирбетондан бунёд этилган бир қаватли ёпмали ва ёпмасиз, бир қаватли ва икки қаватли қоришиқ, тупроқли ва темирбетонли – ёпмали ва ёпмасиз, икки қаватли темирбетон ва бир қаватли ҳамда икки қаватли металл конструкция.

Заминдаги трибуналар профилининг бир неча турлари мавжуд:

- ер устига тўкма (тупрок) трибуна, орқа томонида қиялиги билан ёки тўсик деворли;
- ер сатҳидан пастда жойлашган трибуна;
- ер устига қисман тўкма (тупрок) трибуна, орқа томонида қиялиги билан ёки тўсик деворли нисбатан бир қисми ер сатҳидан пастда;
- трибунанинг катта қисми ер сатҳидан пастда, трибунанинг кичик қисми-тўкма (тупрок) орқа томонида икки қиялиги ёки тўсик деворли террасалари билан.

Стадион трибуналарининг такомиллашиш жараёнида уларнинг янги турлари – темир-бетон ва замин қоришиқ трибуналари яратилмоқда. Биринчи марта Лос-Анжелос шаҳридаги Олимпия стадионида бу турдаги трибуналар қурилган (АҚШ, 1932 йил). Бунда трибунанинг пастки қавати заминдаги қияликда, юқори қават эса темир-бетон қурилмалардан томошабинлар учун 25 қатор ўринлари билан ташкил этилган. Трибуналар остида хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган. Худди шундай икки қаватли трибуна Неаполь шаҳридаги стадионда ҳам қўлланилган бўлиб, трибунанинг иккинчи қавати биринчи қавати учун ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади.

Трибуналарнинг тўлиши ва томошабинларнинг эвакуацияси блоклар орқали амалга оширилиб, улар қабул қилинган ўтиш жойларига қурилган.

Люклар орқали ўтиш системаси икки ёклама очик ёки бир варакай тарқалиш кўринишида бўлиши мумкин. Бир варакай тарқалиш томошабинларнинг люклар олдида тўпланишини камайтириб, эвакуацияни бир текис ташкил этиш имконини беради. Томошабин ўринларини секцияларга бўлиш ҳар бир секциядаги қатор 50 ўриндан ошмаслиги ва қатор чуқурлиги 75-80 см бўлиши керак. Томошабин ўрини ўлчамлари: ўриндик ўзунлиги бўйича 40-42 см, эни 30-35 см, ўриндикнинг ўтиш полидан баландлиги 45 см, қатор оралиғидаги ўтиш жойининг эни 45 см.

Люкларнинг эни 1,5 метрдан кам эмас ва 2,5 метрдан кўп бўлмаслиги зарур. Люклар сони ўтказиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, яъни 15000 кишидан кўп бўлмаслик шarti билан белгиланади.

Трибуналарни юк кўтаришга ҳисоблашда 1 м^2 га 400 кг босим ҳолида қабул қилиниши зарур.

Трибуна профили тўсиқсиз кўринишни таъминлаб, бунда енгил атлетика югуриш йўлкаси ички тўсиғининг кўриниши олдинда ўтирган томошабин кўзига нисбатан орқада ўтиргани томошабиндан камида 15 см пастда бўлиши зарур. Бу ўлчам С катталиги орқали белгиланган. Йўлканинг эгилган трибунага яқинлашган жойларида С катталигини 13 см гача камайтириш мумкин.

Трибунадан оптимал кўринишни ҳисоблаш формуласи мазкур китобнинг иккинчи бобида берилган.

Спорт павильонлари очик спорт майдонларини ва стадион иншоотлари, очик сув ҳавзалари, яхтаклублар, эшкак эшиш станциялари, мерганлик тирлари ва стендларини, шунингдек, турли спорт ўйинлари учун майдончаларни йил давомида (волейбол, баскетбол, теннис ва бошқаларни) хизмат кўрсатиши учун мўлжалланади.

Павильонлар мақсадларига кўра хоналари, майдончалари ҳам турличадир. Шу сабабли уларни режалаштиришда композицион) усуллар хилма-хил характерга эга.

Содда композициядаги спорт павильони тўғри тўртбурчакли шаклга эга бўлиб, бинонинг фронтал ёки ён тарафидан аёллар ва эркеклар учун умумий кириш қисми мавжуд.

Павильонларни лойиҳалашда вестибюлдан фойдаланаётган ва спорт залига томон ҳаракатланаётган спортчилар оқимининг бўлинишини инобатга олган ҳолда улар учун қулай ҳаракатланиш графигини таъминлаш керак.

Кичик ва ўртача катталиқдаги стадионда барча очик спорт майдони ва майдончаларига хизмат кўрсатишни қулайлаштириш мақсадида спорт павильоннинг марказда жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Кичик спорт павильонлари учун қуйидаги хоналар тизими назарда тутилади: вестибюль-грелка гардероби билан, сақлаш хонаси, конькилар билан таъминлаш ва тақдим этиш хонаси, буфет, санитария гигиена хоналари, спорт анжомлари хонаси; спорт зали, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналари билан, хусусан: аёллар ва эркеклар кийим алмаштириш хонаси душ ва ҳожатхоналар билан, массаж, тиббиёт хонаси, кўрсатмалар бериш, анжомлар, радиоузел, иситиш ва шамоллатиш хонаси.

Ҳар хил, яъни турли катталиқдаги катта спорт павильонлари ҳам мавжуд бўлиб, ударнинг хоналари тизимига бир нечта спорт заллари, сузиш сув ҳавзалари, сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради. Бундай павильонларда спорт турлари бўйича ўқув-машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион ҳудудидан янада унумлироқ фойдаланиш имкони туғилади.

2. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДАГИ БОЛАЛАР

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Шаҳар ва қишлоқда спорт иншоотларини қуриш. Ҳозирги замонда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида спорт иншоотлари зарурий аҳамият касб этади. Шунинг назарга олган ҳолда шаҳарда ва қишлоқларда режалаштирилаётган спорт иншоотлари техник талабларга ҳамда лойиҳа талабларига жавоб бериши лозим.

Шаҳар ва қишлоқларда қандай спорт иншоотлари режалаштириш ва қуриш керак деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Шаҳар кўп аҳоли жойлашган ва махсус қарор билан шаҳар статуси берилган жой бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, завод фабрикалар фаолият кўрсатади ҳамда қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуролиларини ишлаб чиқаради.

Алоҳида жойлашган турар жойлар ва унинг аҳолиси 1,5-3 минг бўлса, бу ҳолда унинг ҳудудида комплекс жисмоний тарбия майдонлари, яъни гимнастика, енгил атлетика билан шуғулланиш учун, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари қурилиши лозим ва унинг умумий майдони 1200 м² дан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари иккита теннис столи учун майдонча ажратилади.

Микрорайонда алоҳида жойлашган турар жойлар учун ажратиладиган спорт иншоотлари қурилади ва алоҳида ажратилган ердан ташқари бу спорт майдонларини дам олиш хиёбонларида жойлаштириш мумкин.

Агар микрорайонда аҳолининг сони 6 минг одамдан кўп бўлса, унда комплекс майдончалар қуйидагилардан иборат, яъни гимнастика билан шуғулланиш учун майдонча, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари ва унинг умумий майдони 6700 м² дан кам бўлмаслиги керак. Агар микрорайоннинг аҳолиси 12 минг ва ундан ортиқ бўлса, унда умумий майдон 8400 м² гача кенгайтирилади.

Аҳоли зич яшайдиган районларда (24-36 минг аҳоли) спорт маркази қурилиши режалаштирилади ва у спорт марказларининг иккинчи тоифасига киради. Уларга футбол майдони (96х64 метр) ва машқлар учун иккинчи майдон (66х44 метр), иккита теннис майдони (36х18 метр ҳар бири), очиқ бассейн (25х10 метр), тир 50 метр ва томошабинлар учун бир минг ўриндиқ бўлиши керак.

Умумшаҳар спорт мажмуалари олий даражали спорт иншоотларига киради. Шаҳар дудудида спорт иншоот тармоқларини қуришдан олдин ажратилган ер участкаларини ўрганиб чиқилади ва улар қуйидагича:

- 7 ёшгача болалар учун спорт мажмуа узоқлиги 50-100 метр бўлиши керак;
- 7-10 ёшгача 150-200 метр;
- 11-17 ёшгача 400-500 метр.

Райондаги спорт маркази 20 минутли масофада жойлашган бўлиши керак.

Стадион бош режасини лойиҳалашда кўп минглик томошабинларни эвакуация вақтида турли оқимларни кесиб ўтмайдиган ҳолда шаҳар қурилишини ва йўлларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Транспорт йўлларининг жойланиши, турли шаҳар ва шахсий транспорт воситаларининг тўхташ жойларида одамлар оқимининг тарқалиш принципи билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли бунда асосий кириш ва ички магистраллар жойланиши белгиланади. Кириш жойларида касса хоналари мўлжалланади. Кассалар чиптали томошабинлар оқимидан ташқарида жойлашади.

Бош режада стадион уч асосий қисмга бўлинади: намойиш (томошагоҳ), ўқув-машғулот, хизмат кўрсатиш қисмлари.

Намойиш қисмида асосий спорт аренаси ва трибуналар, томошабинларга хизмат кўрсатиш, спортчилар, ҳакамлар бошқаруви, матбуот, радио ва телевидение хоналари жойлашади.

Унда, шунингдек, очиқ ва қишки сузиш сув ҳавзалари, велотрек, спорт ўйинлари ва теннис стадионлари жойлашган.

Бу қисм тарқатувчи майдон ва эвакуация йўллари билан бевосита боғланган.

Ўқув-машғулот қисмида спорт майдони ва майдончалари жойлашган бўлиб, уларнинг баъзилари намойиш характериға эға. Бу қисмдаги спорт иншоотлари спортнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашган. Хизмат кўрсатиш қисмида томошабинларнинг дам олиш масканлари, кафе, киосклар, суҳбат ўриндиқлари, санитария иншоотлари, стадионни эксплуатация қилиш билан боғлиқ иншоотлар-хўжалик ҳовлиси, устахоналар, оранжереялар, омборлар ва бошқалар жойлашган.

Стадион қурилишида қуйидаги талаблар муҳим аҳамиятга эға:

- шаҳар қурилиш ҳолати - шаҳар магистралларининг йўналиши, стадион рўпарасида майдон мавжудлиги, томошабинларнинг эвакуация

йўллари, турли шаҳар транспортлари учун транспорт тутунлари ва бошқалар, кўкаламзорлашган ҳудудларга ва сув ҳавзаларига стадионнинг имкон қадар яқинлиги, асосий спорт аренасининг трибуна ва бошқа спорт иншоотлари билан ўзаро пропорционал ва компакт, шунингдек, энг маъқул йўналишда (шимол-жануб) жойлашиши;

- майдон рельефининг яроқлилиги (спорт аренанинг ғарбий тарафидан ерда трибуналарни жойлаш учун 30% нишаблик мақсадга мувофиқ); асосий йўналишда

доимий эсувчи шамоллар йўналиши (химоялаш чоралари); ер ишлари балансини ҳисобга олган ҳолда стадион ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш; қишки мавсумдаги стадионнинг характери (конькида тез чопиш, фигурали учиш, хоккей, чанги трамплин учун мосламаларни ўрнатиш эҳтимоли).

Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида (СН 162-58) қуйидаги тавсиялар берилган:

-томошабинларни эвакуация қилишда (стадион ташқарисида) тарқатувчи майдоннинг зарурий ўлчамлари ҳар бир томошабинга $0,5-0,75 \text{ м}^2$ ҳисобида аниқланади;

-стадионга энг камида икки кириш жойи белгиланиши зарур; эвакуация йўлларининг (йўлакча, йўл, ўтиш ва кириш жойи) эни бир метрга 500 киши ҳисобидан аниқланади;

-бевосита трибуналар оралиғида тарқатувчи майдонлар назарда тутилган бўлиб, бунда бир томошабин ўрни учун ўргача катталиқдаги стадионларда $0,5 \text{ м}^2$, катта стадионларда $0,3 \text{ м}^2$;

- кириш кассаларининг сони 1500 кишига 1 дарча ҳисобидан белгиланади.

Жойнинг ҳолатига қараб, стадионнинг бош режаси шаклан турлича кўринишда бўлиши мумкин.

Ҳар бир шаҳар, район, микрорайон ва алоҳида жойлашган турар жойларида спорт иншоотларига Москва, Волгоград, Санкт-Петербург шаҳарларидаги стадионларнинг бош режалари мисол бўла олади.

Болалар спорт иншоотлари

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида сўзлаган нутқида ва 2002 йил 24 июндаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ПФ № 3154 Фармонида ёш авлодни спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолотга интилиш, Ватанга меҳр-муҳаббат, ўз юрти билан ғурурланиш руҳида тарбиялаш ишлари асосий йўналиш сифатида белгиланди. Зикр этилган фармон нутқда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда болалар оммавий спортини ривожлантиришини таъминлаш мақсадида жойларда спорт муассасаларининг барпо этилиши, янги-янги спорт турлардан тўгараклар фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг тегишли жиҳозлар ва малакали спорт мураббийлари билан таъминланиши янада

кучаймокда ва бунинг натижаси жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони йилдан-йилга ортиб боришига асос бўлмокда.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши ўз фаолиятини жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этишдан бошлади. Болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони аниқланиб, илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда истиқболли спорт турлари ривожлантирила бошланди. 2003 йилда Жамғарма орқали 130 та спорт иншооти қурилиши ва таъмирланиши ишлари йўлга қўйилди. Республикада тиббий ва илмий асосланган 2,8 мингдан ортиқ спорт тўғараклари ташкил қилиниб, уларга 85 мингдан ортиқ болалар жалб қилинди.

Болалар оммавий спорт маҳорати бўғинидаги тадбирлар, оммавий разрядлар кўрсаткичидан иккинчи - спортнинг юқори маҳорати бўғинига, ўсмир-ёшлар спорти орқали тайёрланадиган 1-разрядли спорт устаси номзоди ва спорт устаси даражасига чиқиш имкониятларини яратади. Мамлакатда оммавий ва юқори спорт тизими доирасидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари коллежлари, Республика олий спорт маҳорати мактабларида юқори малакали ва истеъдодли, ўз Ватани шон-шуҳрати учун кураша оладиган спортчилар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Замонавий ўқув ва спорт базасига эга бўлган ана шундай коллежлар Жиззах, Хоразм, Андижон, Фарғона шаҳарларида фойдаланишга топширилди.

Ёпиқ ва очик иншоотларда машғулот ўтказиш учун мўлжалланган барча спорт жиҳозлари ва анжомлари тўла-тўқис яроқли ва ишончли маҳкамланган бўлиши керак. Жиҳоз ва анжомларнинг яроқлилиги, мустаҳкамлиги бўйича ўтказилган кўрик натижалари махсус журналга қайд этиб борилади.

Гимнастик снарядларнинг бириктирилган ёки туташган жойлари эгилмаган, кимирламаслиги, маҳкамланадиган мурувватлари (гайка, винтлари) ишончли қотирилган бўлиши лозим.

Брусларнинг жерди (ёғоч қисми) ҳар ўқув йили олдидан мукаммал таъмирланиши керак. Уларда ёриқлар пайдо бўлса, уларни алмаштириш лозим.

Турникда машқлар бажаришдан олдин ва тугатилганидан сўнг унинг гриф қисмини қуруқ латта билан артиш ва «шкурка» билан тозалаш лозим. Крюк, растяжкалар маҳкамланадиган пластиналар полга мукаммал қотирилган бўлиши керак.

Гимнастик бревно ёриқсиз бўлиши ҳамда буранг (қийшайган) бўлмаслиги лозим.

Гимнастик «эшак»нинг тиргаклари корпус қутиларига яхши маҳкамланган бўлиши лозим. Гимнастик тўшаклар гимнастик снарядлар атрофига яқинроқ тўшалиши, сакраб тушганда, йиқилиб тушганда майдон ҳосил қилиши керак.

Гимнастик кўприкчага (мостик) депсинганда сирпанишни олдини олиш мақсадида устки қисми резина билан қопланган бўлиши лозим.

Тўлдирма тўплардан ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ёшига қараб рақамлари бўйича фойдаланиш лозим.

Улоқтириладиган снарядлар вазни мусобақа қоидасига мувофиқ ўқувчилар жинси, ёшига мос бўлиши керак.

Жиҳозларни жойлаштиришда ҳар бир снаряд атрофида хавфсиз ҳудуд (зона) бўлишини назарда тутиш керак.

Зал дарсга, машғулотга ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши керак.


Спорт залида машғулот ўтказишда магнезия ёки канифолдан фойдаланиш керак ва бу чангланишни олдини олувчи махсус қутида сақланиши керак.

Ўқувчиларни сувга тушишига (бассейнга ўтишига) фақатгина жадвалда фамилияси кўрсатилган ўқитувчи, мураббий ҳозир бўлганида рухсат берилади. Ўқитувчи ёки мураббийнинг бошқаси билан алмаштирилишни фақат мактаб директори рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Сузиш бўйича машғулотларни мураббийлар ўтказадилар.


Бу ҳолатда жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз-ўзидан мураббийга ёрдамчи бўладилар, ҳар хил ташкилий вазифаларни бажарадилар ва машғулот жараёнида қатнашадилар.



Болалар спорт майдончасидаги жихозлар



9-расм. Тепаликдан тушиш иншооти.

ПИРАМИДА







10-расм. Болалар спорт майдончалари жиҳозлари

Болалар комплекс иншооти



11-расм. Болалар комплекси иншооти



12-расм. Мактаб спорт зали кўриниши

Машғулотларни табиий сув ҳавзаларида ўтказишга фақат машғулот олиб бориш учун махсус жой ажратилганда ва жиҳозланганда, ажратилган жой санитария талабларига жавоб берганда рухсат этилади.

Болаларни сузишга ўргатиш жойи, уларнинг жиҳозланиши машғулотлар бошлашдан олдин туман ва маҳаллий санэпидмарказ ва спорт ташкилотлари билан келишилади.

Табиий сув ҳавзаларидан машғулотлар учун жой танлашда қуйидаги "Мактаб ўқувчиларини сузишга ўргатиш бўйича тавсиялар" талабларига амал қилиш лозим:

- сув ҳавзасининг туби чўмилишга ажратилган ёки ҳавзанинг махсус жиҳозлаб ажратилган жойи билан бирга бир текисда бўлиши;

- уларда сувнинг чуқурлиги 1,2 метрдан ошмаслиги;

- сувнинг оқими (ҳаракати) тезлиги секундига 0,3 метрдан ошмаслиги;

- табиий сув ҳавзасининг туби қумли бўлиши ва шох-шаббалардан, тошлардан, сув ўсимликларидан, темир ва бошқа болаларга хавф солувчи нарсалардан тозаланиши;

- чўмилиш жойи ажратилган бўлиши;

- машғулот давомида қутқарув воситалари (қутқарув ҳалқаси, арконлар, таёқлар зарур ҳолатларда қутқарув қайиқлари ва ҳоказо) бўлиши керак. Сузиш бўйича машғулотлар ўтказишга зарур шарт-шароитлар тайёрлашда ўқитувчи-мураббий машғулот ўтказишга ҳалақит берадиган камчиликларни бартараф этиши, иложи бўлмаган ҳолатларда машғулотларни тўхтатиши, бекор қилиши лозим.

Барча ўқувчилар "Мактаб ўқувчиларини сузишга ўргатиш бўйича тавсиялар" талабларини билишлари ва қатъий амал қилишлари керак.

ХУЛОСА

Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари

Қадимги дунёда спорт иншооти. Жисмоний тарбия ва спортнинг тарихий илдиэлари қадимдан маълум. Археологик қазилмалар натижасида спорт билан шуғулланиш тош асрида ҳам бўлганлиги аниқланган. Бунга асос бўлиб, тарихий қазилмаларда спорт қурилишлари топилганлиги хизмат қилади (Ҳиндистон, Арабистон, Ўрта Осиё ва Жанубий Америка). Қадимий замондан одамлар жисмоний тарбиянинг аҳамиятини яхши тушунишган.

Жисмоний тарбия ва спорт соғлиқни мустаҳкамловчи меҳнаткашларнинг иш қобилиятини ошривчи ишлаб чиқариш кучини ривожлантирувчи асосий муҳим манбадир.

Тарихдан маълумки, қадимий Грецияда спорт мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақаларни ўтказиш учун ҳар бир шаҳарда спорт иншоотлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар ҳам буни исботлаб берган. Масалан, Эгей денгизи соҳилларидаги Крит оролининг Микен шаҳри қазилмаларида ҳар хил ўйинлар, машқлар ва тортишувлар тасвирлари ифода этилган. Жисмоний машқлар жангчиларни ҳарбий-жисмоний тайёрлаш учун қўллаганлар. Гомернинг “Иллиада” ва “Одиссея” поэмаларида оммавий югуриш, кураш, муштлашиш, диск улоқтириш, камондан ўқ отиш, аравада пойгалашиш (эр.олдинги XII-IX аср) батафсил ёритиб берилган.

Юнон стадионининг аренаси тўғри тўртбурчакли шаклда бўлиб, узунлиги 200 м бўлган.

Олимпиядаги қадимий стадионда томошабинлар Кронос тоғининг жанубий қиялигидан жой олиб, стадион аренаси эса тоғ ёнбағридаги кенгликда бўлган. Арена атрофларида тупроқдан тепаликлар барпо этилиб, уларда ҳам томошабинлар жойлашганлар. Бу трибуналар тахминан 40000 кишилиқ сифимга эга бўлган.

Кейинчалик Дельф (эрамизгача V асрнинг иккинчи ярмида), Афина (эрамизгача IV асрнинг иккинчи ярмида), Эпидавр (эрамизгача IV асрнинг биринчи ярмида) ва бошқа шаҳарларда ҳам бундай стадионлар бунёд этилди.

Олимпиада ўйинлари – қадимий Грек жисмоний маданияти ривожланишининг аҳамиятли тарафи ҳисобланади. Ўйинлар ҳар 4 йилда мунтазам равишда Олимпия шаҳрида (1-расм) ўтказилган. Маълумотларга кўра бу байрамнинг бошланиши эр. Аввалги 776 йил бошларига тўғри келади.

Эрамиздан аввалги VII асрда Олимпия шаҳрида жойлашган Гера обидасида Олимпия машғаласи ёқилган ва бронзадан ясалган Ифит диски сақланган. Дискда олимпия ўйинларининг қонун ва қоидалари ёзилган эди.

Умумгрек олимпиада ўйинлари қаторида Грециянинг кўпгина шаҳарларида кичик миқёсдаги, лекин давлат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий тарафдан катта аҳамиятга эга бўлган ўйинлар ўтказилиб турилган. Грециянинг бир қатор шаҳарларида ва районларида қазилмалар натижасида ўйинлар учун мўлжалланган кўпгина иншоотлар ва стадион қолдиқлари топилган.




1-расм.

Грециядаги қадимий Олимпия шаҳрининг кўриниши.

Қадимий стадионлар уч даврга бўлинган:


- 1.Элленик.
- 2.Элленистик.
- 3.Қадимий Рим давридаги стадионлар.

Элленик давр. Мустақил давлатлар ҳисобланган қадимий Греция шаҳарлари фан, маданият ва спорт соҳаларида бошқа давлатлар билан доим рақобатлашганлар. Яхши қўшничилик ва дўстлик мусобақалари руҳи, қадимий Грецияда жисмоний маданият ва спорт ривожига катта таъсир кўрсатади. Греция стадионлари меъморий шакллари, кенглиги ва ландшафнинг гармоник мослиги билан ажралиб туради. Элленик давр стадионлари давлат ижтимоий ҳаётида етакчи рол ўйнаган. Бу даврдаги стадионлар ўриндиқсиз қурилган.



Элленистик давр. Элленистик даврдаги стадионлар оммавий ҳаётда катта аҳамиятга эга бўлган. Ундан ташқари улар шаҳар аҳолиси учун томоша кўрсатадиган иншоотга айланади. Стадион трубиналари унча кўп бўлмаса ҳам фақат шаҳар аҳолисига мўлжалланган эди. Масалан: 1 000 000 аҳоли яшайдиган Милет шаҳрида яшайдиган стадион шу шаҳар ичига қурилган.

2-расм Эрамиздан аввалги 7 асрдаги Гера номидаги обида (узунлиги 50 метр, эни 18,7 метр).



3-расм. Олимпия машғаласини ёқиш тантанаси. Греция, Олимпия

Қадимий Рим даври. Кўпгина стадионлар ва спорт иншоотлари Рим империясининг шаклланаётган вақтига тўғри келади (эрамизнинг боши). Бу вақтда Эллиник даври стадионларининг кўпгинаси қайта қурилди. Эрамизнинг иккинчи асрида Афина ва Делфадаги стадионларни қайта қуришга тўғри келди. Мусобақа қатнашувчилари сонининг ортиши туфайли стадионлар майдони кенгайтирилди ва томошабинлар учун мармар трубина-ўриндиқлар ўрнатилди. Қадимги Рим давридаги стадионларнинг трубиналари кўришга қулай бўлишини таъминлаш учун ярим ой шаклида қурилган. Бу даврда стадионлар меъморчилик томонидан тўла-туғалланган объектларга айланади. Эрамиздан олдинги биринчи асрда Қадимги Рим иншооти бўлмиш амфитеатр шакллана бошлади. Амфитеатр ўз навбатида замонавий спорт ареналарининг қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.


Амфитеатр – (юнончадан Amphitheatron – икки томонлама томоша) оммавий томошалар: театр спектакллари кўрсатиладиган Қадимги Рим монументал биноси ҳисобланади. Амфитеатр ўртасидаги майдони эллипс шаклида қурилган ва томошабинлар учун мўлжалланган спорт аренаси қатор-қатор ўриндиқлари пастдан юқориг зина шаклида кўтарилиб борган. Бу амфитеатрлар Помпей шаҳрида милоддан аввалги 70-йилларда қурилган бўлиб, ўз ичига 15000 томошабинни олган.

Бутун дунёга машхур бўлган Римдаги Коллизей милоддан олдинги 125 йилда қурилган бўлиб, 50000 томошабинларга мўлжалланган. Коллизей аввал уч ярусдан иборат бўлиб, тўртинчи яруси эрамининг иккинчи асрида тўла битказилган. Аввал Коллизейда ҳайвонлар, кейинчалик эса гладиаторлар жанги бўлиб ўтган. Бу ерда трибуна остида жуда кўп сонли хоналар бўлган. Ундан ташқари арена остида ҳайвонлар учун қафаслар ва бошқа хоналар жойлашган. Коллизейдан 1 км узоқликда қуллар қишлоғи жойлашган бўлиб, у стадион аренасигача ер ости йўли билан туташган. Коллизей устига брезент қоплама тортилган бўлиб, у ёпиқ стадионга айлантирилган деб тахмин қилинади (4-расм).



А) ташқитомондан кўриниши

а) Олди томондан кўриниши



б) ички томондан кўриниши

4-расм. Римдаги Коллизей харобалари

Коллизейга ўхшаган стадионлар Римнинг ҳар бир йирик шаҳарларида бўлган. Аравада пойгага мўлжалланган гипподром деб номланган йирик Циркус Максимум иншооти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу иншоот ўз трибунасига 250000 томошабинни сиғдирган.

Қадимги Римда терм (ҳаммом) иншоотига катта эътибор берилган. Бу сузиш, чўмилиш учун мўлжалланган йирик сув ҳавзаси бўлиб, эрамининг I асри ва II асри оралиғида қурилган. Энг йирик ва машхур Диоклентана ва Каракалла терми тахминан 120000 м² майдонда жойлашган бўлиб, узунлиги 337 метр, эни 338 метрни, деворларининг қалинлиги 6 метрни ташкил қилган. Бу термларга бир вақтнинг ўзида 3000 одам сиғиб,

улар чўмилиш, парланиш, уқалаш, душ, ванна қабул қилиш, сув ҳавзасида (совук, илик, иссиқ) сузиш каби муолажаларни олиш мумкин бўлган.

Рим термлари ўзининг ажойиб безак ва ускуналари билан ажралиб туради. Бино деворларини безаш учун қимматбаҳо мармар ишлатилган. Рим яна сув қувурлари ва иситкичлар билан жиҳозланган. Қадимий Рим шаҳри сув қувурлари ва иситкичлар билан ҳам машҳур бўлган.

Римда эраизмнинг IV асрдан бошлаб, христиан дини давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кириб келди. Уч минг аҳолини йиғувчи Рим томошаларига қарши черков фаол кураш олиб борди. Аста-секин миллий маданиятнинг пасайиши бошланди, шу билан бирга жисмоний тарбия ҳам пасайди. Одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланишини инкор этувчи христиан динининг тарқалиши қадимги оламга мансуб кўпгина йирик спорт иншоотларининг қонунсиз емирилишига сабаб бўлди. Айримлари эса черковга айлантирилган.

Ўрта аср иншоотлари. Ўрта аср иншоотлари. Ўрта асрнинг бошланиши жисмоний тарбиянинг бутунлай пасайиб кетиши билан тавсифланади. Бунга сабаб, авваломбор, христиан динидир. Христиан дини бўйича одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланиши инкор этилган. Давлат дини бўлиши билан жуда кўп стадионлар ва спорт иншоотлари қонунсиз емирилишига сабаб бўлди.

Лекин X-XI асрларда секин-аста спорт ўйинлари ва машқлар ривожлана бошлади. Бунга XI асрда бошланган Шарқнинг савдо истилоси, борди-келди юришлар ва рицарликнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Юришдан бўшаган вақтларда рицарлар асосан ҳарбий машқлар бажарардилар ва турнирларда қатнашардилар. Рицарларнинг алоҳида қоидага эга бўлган турли ўйинлари сарой ҳовлиларида ўтказилган. Ўрта асрда жисмоний машқларнинг ўрнатилишидан асосий мақсад рицарларни урушга, жангга тайёрлаш эди.

Ривожланган феодал жамиятида (X-XI асрларда) синфий кураш таъсири остида халқ жисмоний маданияти (шаҳарликлар ва деҳқонлар) ва устун турувчи синф жисмоний маданияти (феодаллар, рицарлар) шаклланади. XV-XVI асрларда тўп ўйинлари пайдо бўлди. Ўйинлар учун майдонча ва жойлар, шаҳарликлар учун сайиргоҳларда, зиёлиларга хиёбонларда ҳар хил томоша шахобчалари қурилди. Буларга Римдаги Римдаги Вилла Монтално (XVI) сузиш ҳавзасини, Флоренциядаги Боболи боғи амфитеатрини (XVII) мисол қилиш мумкин. Европанинг баъзи мамлакатларида найзабозлар ва тўп ўйинлари учун заллар, камонда ўқ отиш учун майдон ва майдончалар қурилиши олиб борилди. Ўрта Осиёда ҳам спорт ўйинлари ривожланган. Бу ўйинларга чавандозлик, камондан ўқ отиш, кураш, кўпқари, қиличбозлик ва бошқа спорт турларини мисол қилиш мумкин.

Ўрта асрнинг охири бу феодал тузумининг емирилиб, буржуазия маданиятининг туғилиши давридир.

Ҳозирги замон спорт иншоотлари. Буржуазия тузumi Европа мамлакатлари иқтисодиётини ўз қўлига олиб, сиёсий ҳукмронликни эгаллаган эди. Капиталистик ишлаб чиқариши жадал ривожланётган мамлакатларнинг йирик спорт иншоотларини яратишга имконияти бўлган. Шулардан 1806-1807 йил қурилган катта Милан спорт аренасидир. XIX аср ўрталарида Европада катта спорт залларга эга бўлган бинолар (вокзаллар, универсал магазинлар ва бошқалар) қурилган. Спорт заллари ва майдонлари пайдо бўлди. Бироқ Европанинг турли мамлакатларида оммавий спорт иншоотларининг қурилиши спорт жамиятлари, клублари ўртасида алоқа ўрнатилган, турли мамлакатлар билан спорт алоқалари ривожланган ҳамда олимпия ўйинлари ўтказила бошланган даврда, яъни XIX аср охирларида бошланди. Бу даврда стадионлар, спорт залларигина эмас, балки велотреклар, трамплинлар, қишки ва сув спорт турлари учун ҳам иншоотлар қурилган. Олимпия спорт иншоотларини ўрганишда, уларга қўйилган асосий технологик талабларни тушуниб, давр ўтган сайин турли мамлакатлардаги спорт иншоотларининг қурилиши ривожланиб ўсганини тушунамиз.

Қуйида янги давр Олимпия иншоотларига қисқача маълумот берамиз.

I Олимпиада ўйинлари (1896 й.) Грециянинг Афина шаҳрида бўлди. Олимпиада бошланишигача қадимги Афина стадиони қайта шаклланган. Бироқ стадионда футбол майдони бўлмаган. Асосан стадион ареналарида гимнастика, енгил атлетика мусобақалари (100, 400, 800 ва 1500 м га югуриш, 110 м га тўсиқлар оша югуриш, сакраш, диск улоқтириш) ўтказилган.

II Олимпиада ўйинлари (1900 й.) Франциянинг Париждаги Булон ўрмонида бўлди. II Олимпиада очилишига ҳеч қандай махсус спорт иншооти қурилмаган.

Булон ўрмони текислигида фақатгина 313 м узунликка югуриш йўлакчалари белгиланган бўли, диск улоқтириш шу ўрмоннинг бошқа майдончасида бажарилган. Ҳозир у эсдалик сифатида темир бетон тўсиқ билан тўсилган.

III Олимпиада ўйинлари Американинг Сент-Луис шаҳрида (1904 й.) бўлди. Сент-Луисда ҳам ҳеч қандай махсус спорт иншооти қурилмаган.

IV Олимпиада ўйинлари (1908 й.) Англиянинг Лондон шаҳрида бўлган. Лондон стадиони бизнинг эрамининг биринчи олимпиада стадиони ҳисобланиб, унинг трибунасига 70000 томошабин сиққан. Стадионда футбол майдони, югуриш йўлакчаси, велотрек, сув ҳавзаси бўлган.

V Олимпиада ўйинлари (1912 й.) Швециянинг Стокгольм шаҳрида бўлган. Стокгольмда жуда қулай стадион қурилиб, то бизнинг кунгача сақланиб қолган. Унда

футбол майдони ва югуриш йўлакчаси бўлган. Югуриш йўлаги грунтли ер қоплама бўлиб, старт ва финиш чизиғидан ташқари ҳеч қандай белги бўлмаган. Стадион аренаси чим ўтли қопламадан иборат бўлган. Ядро улоқтириш жойи тупроқли бўлиб, спортчи тушадиган жойи чим ўтли қоплама бўлган. Таёкча билан юқорига сакраб тушадиган чуқурлик кипик билан тўлдирилган. Сакраш учун қўлланиладиган таёкча бамбукдан ясалган.



5-

расм. Антверпен стадиони, Бельгия.

VI Олимпиада ўйинлари (1916 й.) Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиши керак эди. Биринчи империалистик уруш туфайли навбатдаги олимпиада бўлмаган. Аммо немислар Грюневалдега стадион қурганлар. Стадиондаги футбол майдони 120мх70м, югуриш йўлаги 600 метр, мототрек эса 600 метрни ташкил қилган. Стадион жуда ноқулай бўлганлиги сабабли, кейинчалик қайта таъмирланган.

VII Олимпиада ўйинлари (1920 й.) Бельгиянинг Антверпен шаҳрида бўлган. Антверпен стадионининг узун ёй шаклидаги трибуналари ўзига 60000 томошабинни сиғдирган (5-расм). Трибунанинг ғарбий қисмида томошабинни ёмғирдан ҳимоя қилувчи мослама бўлган.

VIII Олимпиада ўйинлари (1924 й.) Франциянинг Париж шаҳрида бўлган. Олимпиада учун “Коломб” стадиони қурилган. Стадионда 450 метрли югуриш йўлаги бўлиб, бу спортчилар учун ноқулай бўлган. Шу сабабли бошқа фойдаланилмаган. “Коломб” стадиони йирик спорт комплекси бўлиб, унда асосий спорт майдони, сузиш ҳавзаси, теннис корти, ҳар хил машқ қилиш ва ёрдамчи спорт иншоотлари бўлган.

IX Олимпиада ўйинлари (1928 й.) Голландиянинг Амстердам шаҳрида бўлган. Амстердам стадионида асосий бош аренадан ташқари футбол майдони ва 7000 ўринли теннис корти, 50 м х 18 м ли сузиш ҳавзаси ва ҳар хил спорт билан шуғулланиш учун майдончалар бўлган. Асосий спорт майдони ёнида кураш, гимнастика, қиличбозлик ва бокс учун спорт заллари жойлашган. Стадион ҳудудида енгил автомашиналар ва велосипедлар учун туриш жойи ҳам бўлган. Асосий спорт аренаси трибунасига олдиниға 40000 томошабин сиғиб, ундан 16000 нафари туриб томоша қилган. Кейинчалик трибунадаги ўтириш жойлари 60000 га етган. Трибуна ости бўшлиғига ёрдамчи спорт иншоотлари жойлаштирилган.

X Олимпиада ўйинлари (1932 йил) Американинг Лос-Анджелес шаҳрида бўлган. X Олимпиада учун жуда йирик 100000 ўринли Лос-Анджелес стадиони қурилган. Унинг аренасида 105х70 метрли футбол майдони, атрофида 400 метр ва 450 метрли югуриш йўлаги бўлиб, асосий майдондан ташқари очик сузиш ҳавзаси ҳам қурилган.

XI Олимпиада ўйинлари (1936 й.) Германиянинг Берлин шаҳрида бўлган. Бу олимпиадада Греневалд стадиони вайронаси ўрниға 100000 ўринли Берлин стадиони қурилган ерда биринчи марта сопол аралашмасидан югуриш йўлаги қурилган, унда Д.Суэнс 100 м ли масофани 10,2 сек югуриб ўтган. Берлин стадиони 90 га (гектар) майдонни эгаллаб, унда асосий спорт майдонидан ташқари очик сузиш ҳавзаси, гимнастика заллари, футбол майдони ва машқ қилиш майдонлари бўлган.


XII Олимпиада ўйинлари (1940 й.) Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида бўлиши керак эди, аммо бўлмаган.

XIII Олимпиада ўйинлари (1944 й.) Англиянинг Лондон шаҳрида бўлиши керак эди. Иккинчи жаҳон уруши сабабли олимпиада ўтказилмаган.

XIV Олимпиада ўйинлари (1948 й.) Англиянинг Ломдон шаҳрида бўлиб ўтди. Олимпиада учун алоҳида стадион қурилмаган, сабаби иккинчи жаҳон уруши мамлакатни иқтисодий қийин аҳволға олиб келган.

XV Олимпиада ўйинлари (1952 йил) Финляндиянинг Хелсинки шаҳрида бўлган. Хелсинкидаги Олимпиада стадиони 1940 йилдан 1952 йилгача қурилган. Асосий спорт майдонлари трибунасиға 60000 томошабин сиғган.

Спорт аренасида 105х70 м ли футбол майдони, 400 м ли сопол қопламали югуриш йўлаги ва яна очик сузиш ҳавзаси, катта спорт зали, шуғулланиш майдонлари, енгил атлетика ядролари бўлган.



6-расм. Римдаги Олимпия стадиони

XVI Олимпиада ўйинлари (1956 й.) Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ўтган. Олимпиадагача Мельбурн стадиони қайта таъмирланган.

Темир бетонли трибуналарнинг сони 100000 ўринга кўпайтирилган. Спорт майдонида уч қаторли 400 м ли югуриш йўлаги бўлиб, унинг устки қопламаси Англиядан келтирилган. Аммо унинг сифати унча юқори бўлмагани сабабли, ўйинлардан сўнг, олиб ташланган.

XVII Олимпиада ўйинлари (1960 й.) Италиянинг Рим шаҳрида бўлган. Олимпиадагача Римнинг ҳар бир районларига ҳар хил спорт иншоотлар, ҳамма спорт турлари учун комплекслар қурилиб битказилган. Асосий спорт майдони трибунасига 80000 томошабин учун ўрин бўлиб, унда 105x70 м футбол майдони, сопол қопламали 400 м ли югуриш йўлаги жойлашган. Рим спорт иншоотларидан ўзининг меъморчилиги ва фойдаланиш жиҳатдан қулай бўлган "Палаццо делло Спорт" ва "Палацетта" ларда ҳозиргача турли спорт ўйинлари, гимнастика ва бокс мусобақалари ўтказилиб келинади.

XVIII Олимпиада ўйинлари (1964 й.) Япониянинг Токио шаҳрида бўлган. Токиода жуда кўп сонли ўзига хос спорт иншоотлари қурилган. Токио марказида асосий олимпиада шаҳобчалари, асосий стадионлар, Олимпиада боғи жойлашиб, унда ёпиқ спорт майдони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, бейсбол ва регби учун стадион бўлган. Иккита ёпиқ универсал майдонли Ёглар спорт боғи, Олимпия шаҳарчасидан иборат

бўлган. Қолган спорт иншоотлари шаҳардан 20 км ташқарига қурилган. Токио стадиони трибунасига 100000 томошабин сиғган.

XIX Олимпиада ўйинлари (1968 й.) Мексикада бўлган. Мексика Олимпиадасида мусобақалар ўтказиш учун 16 та йирик комплекс марказ ва 27 та машқ қилиш учун комплекс тайёрланган.

XX Олимпиада ўйинлари (1972 йил) ФРГ Мюнхен шаҳрида ўтказилган. Мюнхен олимпиадаси шаҳар марказидан атиги 4 км узоқликда ўтказилиб, спорт иншоотлари етакчи техника билан таъминланган эди.

Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган территорияни шаҳар ҳиёбонлари ва унча катта бўлмаган канал ўраб турарди. Олимпиада спорт комплекси Мюнхендан бир неча юз метр узоқликда эди. Шунинг учун олимпиада "Олимпиада ўйинларига қисқа йўл" шиори остида ўтказилган.

XXI Олимпиада ўйинлари (1976 йил) Канаданинг Монреал шаҳрида бўлган.

Бу Олимпиада учун бутун бир спорт комплекслари тайёрланиб, унда футбол, ҳар хил спорт ўйинлари ва турлари учун иншоотлар мавжуд бўлган. Енгил атлетика мусобақалари учун, кураш, қиличбозлик, гимнастика заллари, сув ҳавзалари, эшак эшиш учун спорт комплекслар қурилиб битказилган.

XXII Олимпиада ўйинлари (1980 йил) Москвада ўтказилган. Олимпиада ўтказиш муддати қисқа бўлиб, уй-жой, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши миқдорини пасайтирмасдан 70 та олимпиада шаҳобчаси қурилган ва қайта таъмирланган. Улардан энг йириги: "Олимпийский" спорт комплекси, Крилатский ёпиқ велотреки, Олимпия шаҳарчаси, Останкинодаги телекомплекс, Измайловдаги меҳмонхона комплекси ва бошқалар. Парус спорт бўйича олимпиада мусобақаларини Таллинда ўтказишга юқори даражада тайёрлик кўрилган. Футбол бўйича дастлабки тур ўйинлар Санкт-Петербург, Минск ва Киев шаҳарлардаги стадионларда ўтказилган.

XXIII 1984 йил Лос-Анжелесда - Халқаро Олимпия Қўмитаси XXIII Олимпиада ўйинларини АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

XXIV Олимпиада ўйинлари 1981 йил 30 сентябрда Сеулда ўтказилиши эълон қилинди. Аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда олтинчи ўринда турадиган Жанубий Қурия (42 миллион) пойтахти Сеул мамлакатининг юраги, давлатнинг сиёсий, молиявий, дипломатик, илмий ва маданий маркази ҳисобланади. Сеулда 1981 йилдан бошлаб жуда кўп янги спорт иншоотлари қурилди. Шу жумладан, чиройли Олимпия стадиони қурилиб ишга топишрилди. Бундан ташқари кўп эски стадионлар қайта реконструкция қилинди ва таъмирланди.

1988 йилдаги Олимпияда 159 мамлакатдан 9633 спортчини қабул қилди. Улар орасида Ўзбекистондан ҳам 9 нафар спортчи бор эди. Вакилларимиз спортнинг 9 тури бўйича беллашдилар. Уларнинг деярли барчаси совриндор бўлишди. Тадбирларда жами 8757 нафар журналист жалб қилинди.

XXV ёзги Олимпиада ўйинлари Испаниянинг энг йирик шаҳарларидан бири Барселонада бўлиб ўтди. Бу шаҳарга 173 мамлакатдан 15,5 мингдан ортиқ вакил ташриф буюрди. Улар орасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг 654 дан ортиқ вакили бор эди. Бу Олимпиадада Ўзбекистондан 17 спортчи иштирок этди. Улар спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар.

Маълумки, жаҳон спортчиларининг маҳорати кун сайин ошмоқда. Ёшлар ўртасида спортга қизиқиш ўсмоқда. Халқаро спорт мусобақалари фақат спортчилар ёки мутахассисларнигина эмас, балки йирик давлатларнинг ҳам шон-шухратини оширмоқда.

XXVI Олимпия ўйинлари 1996 йилда Атланта (АҚШ) шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақалар замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағишланди. Бу ўйинларни ўтказиш учун янги спорт иншоотлари ишга туширилган. Бир неча стадионлар реконструкция қилинди ва таъмирланди.

АҚШнинг Атланта шаҳридаги Олимпия стадионида янги аср олди ўйинлари машғаласи ёндирилди. Ўт олдириш таниқли боксчи Муҳаммад Али (Кассиус Клей)га топширилди.

Олимпия ўйинларида баъзи нохуш ҳолатлар рўй берди. Террорчилар яширган бомбанинг портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, 110 киши жароҳатланди.

XXVII Олимпиада Сиднейда бўлиб ўтди ва XX асрнинг сўнгги Олимпиадасидир.

Австралияда Олимпия ўйинлари биринчи марта 1956 йили ёз даври бошида ўтказилган эди. Айнан шу вазият деярли жаҳоннинг ҳамма етакчи жамоаларининг олимпия ўйинлари олди тайёргарлиги жадвалини тубдан ўзгартиришга мажбур қилди. XVI Олимпияда ўйинларига қурилган барча спорт иншоотлари қайтадан реконструкция қилинди ва янги спорт иншоотлари қурилди.

XXVII Олимпия ўйинлари Сиднейда (Австралия) 2000 йилнинг 15 сентябридан 1 октябригача ўтказилди. Бу вақтда об-ҳаво шароитлари ҳам олимпия терма жамоалари учун қулай ва одатий эди.

Олимпия шаҳарчаси 100 гектар майдонни ташкил этган. Янги спорт иншоотлари қурилди, эскилари эса таъмирланди.

АДАБИЁТЛАР

1. М.М. Султонова, Н В Янченко. Спорт иншоотлари назарияси, шакли ва ўлчамлари. Тошкент. 1994й.
2. Ю.А.Гагин. Спортивные сооружения. Учебник для ИФК.М,ФиС,1976г.
3. М.С. Ходжаев, А.А.Толаметов, А.М. Нурмухамедов, Ж.Х.Умаров. Спорт иншоотлари: Ўқув қўлланма жисмоний тарбия институтлари ва университетларнинг жисмоний тарбия факультетлари талабалари ва магистрлари учун .ЎзДЖТИ. 2007й
4. А.В. Николаенко, спортивные сооружения: Учебное пособие для студентов факультетов физического воспитания пед. Институты,М., «Просвещение», 1976г.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун,1992й
6. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни,1997й.
7. Табелъосновного спортивного,хозяйственного оборудования и инвентаря.М,1973г.
8. А.Галли и др. Селький спортивный комплекс. М,ФиС,1972г.
9. В.И.Корбут и др. Оказание услуг по физической культуре и спорту населению на спортивных сооружениях в условиях рынка из опыта РСТО «Пахтакор», «Буревестник», гребная база УзГосИФК. Учебно-метод. Пособие.Ташкент.1992г.
10. И.Нурмухамедов. Б.М.Филатов. Ценообразование на спортивных сооружениях в условиях перехода к рыночной экономике. Метод. Реком. Ташкент, 1992 г.